

# **ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMOS VA YECHIMLAR mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami**

## **ПУБЛИЦИСТИКА ВА АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ТАРИХАН МУШТАРАКЛИГИ МАСАЛАСИ**

**Шоҳруҳ Қосимов,  
ЎзЖОКУ кафедра мудири**

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган илк кунларданоқ ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабхаларида ўзгаришлар содир бўлди. Бу тарихий нуқтаи назардан асосли, мантиқий асосга кўра зарурият ҳам эди. Миллий тикланиш концепцияси тақозосига кўра, ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги ҳам янги мавзу ва тадқиқотларни ёритиш вазифасига киришди. Айниқса, ўтмишнинг қораланган, халқ бағридан тортиб олинган адабий, маънавий меросини қайта тиклаш, илмий баҳо беришда матбуотнинг ўрни беқиёсdir. Шундай қилиб, яқин ўтган тарихимизга доир ҳақиқатларнинг илмий-оммабоп тафсилотлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Адабиётшуносларнинг миллат тарихини ёритувчи публицистик мақолалари ҳам халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини, маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Демак, истиқлол даври публицистикасининг ўзига хос асослари сифатида, энг аввало, миллат маънавий илдизларини ёритиш, иккинчидан, истиқлол фидойилари – жадидлар номи ва асарларини тўлақонли халқقا етказиш, учинчидан, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга чорлаш ғояларини кўрсатиш мумкин. Шу маънода адабиётшунос олимларнинг жадидчиликка бағишлиланган илмий тадқиқотларини матбуотда ёритилиши масаласини ўрганишга зарурат бор. Негаки, муайян давр, ёйинки, миллат ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида, ўтиш даврларида публицистикага эҳтиёж ошиши табиий ҳол. Шу муносабат билан истиқлолнинг илк йилларида публицистика барча маънавият йўналишларига кириб борди. Қолаверса, ўзига хос специфик хусусиятлари орқали миллат ҳаётидаги етакчи тарғибот минбарига айланди. “Публицистик ижод деганда, одатда, воқеликни ҳужжатлар асосида қайта тиклаш англашилади. Публицистиканинг ҳар қандай кўринишида, публицистик организмнинг ҳар бир ҳужайрасида ана шу омилнинг таъсири сезилиб туради”<sup>1</sup>. Ўзбек миллий публицистикаси тарихида бу ҳолат халқимиз ҳаётида содир бўлган икки муҳим босқичда янада кучли аҳамият касб этди. Публицистика худди журналистика сингари ўз навбатида турли турларга, хилларга бўлинниб кетади: ижтимоий-сиёсий, публицистика, илмий-

<sup>1</sup> Стюфляева М.И. Поэтика публицистики. – Воронеж: Воронеж. ун-т., 1975. – С. 6-7.

# **ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI:**

## **MUAMMOS VA YECHIMLAR**

### **mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami**

публицистика, адабий-бадиий публицистика, ҳажвий публицистика ва бошқалар. Публицистика ҳаётни ёритишида шаклий нуқтаи назардан эса учга – информацион, таҳлилий ва бадиий публицистикага бўлинади<sup>2</sup>.

Дастлаб, 1906 йил 27 июнда Ислом Обидийнинг “Гараққий”си бошлаб берган миллий матбуот қамрови ва миссиясининг ниҳоятда кенгайиши натижасида содир бўлган миллий уйғониш, кейингиси мустақиллик йўл очган миллий юксалиш масаласининг кун тартибига чиқишидир. Истиқлол йилларида ўзбек публицистикасида ғоявий ҳамда услубий синкетизмни кузатиш мумкин. Публицистикадаги турғун мавзулар ва этalon фикрлар, шиорбозлиқдан воз кечилди. ОАВ турлари, жанрлари кенгайиб, ихтисослашиб борди. Янгидан янги газета, журнал, нашриётлар таъсис этилди. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлар публицистик жанрлар табиатига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жадид зиёлилари бошлаб берган публицистик инерция батамом йўқ бўлиб кетмаган, гоҳ рамзий, гоҳ яширин тарзда давом этаётган эди. Мустақиллик туфайли бу имконият яна қайта пайдо бўлди. Ҳар қандай публицистик асар сингари бадиий-публицистик асарнинг ҳам муҳим мазмуний асоси факт ҳисобланади. Факт деб, биринчидан, воқеликнинг юзага чиққан бирор лаҳзасига айтилса, иккинчидан, публицистикада муаллиф мулоҳазаси, фикрларига ҳам факт сифатида қаралиши мумкин. Ҳаётий факт ва ҳужжатлар фақат воқеликнинг қандайдир лаҳзаларинигина эмас, балки одамларнинг реал хатти-ҳаракатларини ҳам ифодалайди. Шунинг учун улар публицистик тасвир предмети сифатида намоён бўлади. Публицист шахсий аралашувнинг кучи билан энг аҳамиятли фактларни ажратиб қўрсатади, таъкидлайди ва изоҳлайди. Демак, бадиий публицистика фактлар ҳақида қуруқ маълумот бермайди, “...балки ҳаёт фактлари билан боғлиқ муаммоларни чуқур таҳлил этади, уларнинг моҳиятини аниқ очиб беради”. Адабиётшунос, тарихчи, журналист, адабий манбашунос ва матншунос яқин ўтган тарихни танқидий таҳлил қилиш, унга холисона баҳо бериш, жамият тақозо этаётган муаммоларни рўй-рост ўртага қўйиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу давр публицистикасида тарихий, адабий, маданий мерос, миллий қадриятлар, унтуилган сиймолар, қатағон курбонлари биографияси, асарларини халққа тезроқ етказишга бўлган иштиёқ яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим О.Шарафиддинов, адабиётшунослар Б.Қосимов, С.Аҳмедов, У.Долимов, Ш.Юсупов, Н.Жабборов, У.Жўракулов, Б.Каримов, Ҳ.Болтабоевларнинг 1991 йиллардаги илмий

<sup>2</sup> Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланма. – Т.: “Университет”, Худойқулов М. 2008.

# **ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI:**

## **MUAMMOS VA YECHIMLAR**

### **mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami**

кузатишлари асосан жадид зиёлиларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган кенг кўламли ишлардан эди.

Мустақиллик даврида жадидшуносликдек муҳим илмий муаммони публицистик миқёсда, адабий-илмий ижод негизида халққа етказган олимлар орасида профессор Б.Қосимовнинг илмий фаолияти анча салмоқлидир. Адабиётшуноснинг жадидчиликка бағишиланган кузатишлари миллий публицистикада жадал ёритиб борилди. Шундай экан, мазкур олимнинг илмий-публицистик ижодини тадқиқ этиш ва баҳолаш бугунги адабиётшунослик илми зиммасидаги долзарб вазифалардан бири саналади.

Б.Қосимов тадқиқотларига хос илмий концепция, мавзуга турлича аспектда ёндашув, тарих ва манбаларнинг қиёсий таҳлили ўзбек жадидшунослигига ўзига хос ҳодиса ҳисобланади. Унинг шахсиятида ҳам миллий уйгониш, миллий ғурур ва ўзлик, ўзбекнинг маънавий қадриятлари чукур сингтани учун ҳам адабиётшунослик концепцияси барқарор тамойилга эга. Жадидчилик ҳаракати, зиёлилар яшаб, ижод этган тарихий давр, улар илгари сурган адабий тушунча ва қарашларни шуурига сингдирган олим жуда талабчан мустаҳкам публицистик позициясини турли ракурсларда намоён этади. Жадидшунослик истиқлолнинг илк йилларида анча равнақ топди. Зиёли шахс борки, ўтмиш асоратлари, биқиқ жамият, мустамлакачилик исканжаси борасида фикр юритганида, албатта жадид зиёлилари номларини келтириб ўтишни публицистик тамойил даражасига олиб чиқди. Лекин шунчаки жадидлар номини санаб ўтиш, жадидшунос бўлди, дегани эмас.

Жадидшуносликка даъвогар олим, журналист ёки тарихчи, энг аввало, кўлёзма, тошбосма манбаларни ўқий олиши шарт. Акс ҳолда, кимдир ёзган шарҳ хоҳ у тўғри бўлсин ёки аксинча, китобдан китобга, мақоладан мақолага кўчиб юраверади. Асл манбани ўрганган олим, ўша даврга холис, тўғри баҳо бера олади.

1991-2001 йиллар ОАВ кузатганимизда, мустақиллик, Ватан, тарихни ҳаққоний ёритиш масаласи кун тартибининг асосий вазифаси саналганини кузатиш мумкин. Бунда публицистиканинг барча жанрларидан фаол фойдаланилди. Масалан, эссе, сухбат, хабар, репортаж, мақола шулар жумласидандир.

- ✓ Муайян сана муносабати билан (умумхалқ байрамлари, жадид зиёлиларининг таваллуд саналари) соҳа ижодкорлари билан сухбатлар;
- ✓ Жадидшунос олимларнинг янги асарлари тақдимоти муносабати билан ёзилган тақризлар;

# ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMOS VA YECHIMLAR mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

- ✓ Беҳбудий, Мунаввар Қори, Ибрат, Авлоний, Сайд Аҳорий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа зиёлилар ҳаёти ва ижодига доир янги хабарлар анонси;
- ✓ Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намуналарининг саҳналаштирилиши ва оммалаштирилишини ОАВ да ёритиши;
- ✓ Жадидшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишлиланган илмий-оммабоп материалларни нашр қилиш каби қонуниятлар доирасида миллий публицистикамиз жадидшунослик йўналиши билан ҳам бойиди.

Инсон табиатида ахборот олиш ва ахборот узатишга бўлган табиий инстинкт мавжуд. Маиший, ижтимоий ва сиёсий-иқтисодий жараёнда тинимсиз янгиланиб, ўзгариб, бъзи қарашлар барқарорлашиб боради. Информация оқимининг етказилишига қараб, оила, жамият, иқтисодиёт ва давлатлар, ҳаттоқи тузумлар доирасида ички эътирофлар, эътиrozлар, танқидлар ва турли ҳаракатлар юзага келиши мумкин. Демак, журналистика ва публицистика тарихан олганда, кишилик жамияти билан бирга пайдо бўлди ва жамиятнинг ажралмас қисми сифатида яшаб келмоқда. Ижтимоий фикрнинг қуролдан устун туриши бугунги кун учун сир эмас. Қолаверса, умуминсоний қадриятларнинг, ўтмиш маънавий-адабий, эстетик қарашларининг яшовчанлигига адабиётшунослик негизида майдонга келган публицистиканинг аҳамияти юкоридир.

Публицистика адабиёт ва журналистикага мансуб бўлиб, ҳозирги қундаги энг муҳим ва долзарб ҳисобланадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ўзида акс эттиради. Публицистиканинг мақсади – маълум бир фактга инсонларнинг эътиборини жалб қилиб, улар муносабатига эришиш ва жамиятга таъсир ўtkазиш. Публицистикада ҳамиша муаллиф позицияси аниқ кўрсатилади ва бадиий тўқималарга йўл қўйилмайди. Публицистиканинг предмети – ҳозирда ёки бирмунча вақт олдин юз берган маълум бир воқеа, ҳодиса, шунингдек ушбу воқеа ёки ҳодиса ҳақида муаллиф фикри. Публицистикада муаллифлар ўз қарашлари ҳақида бир-бирлари билан баҳсга киришиб, омма фикрини шакллантиришади. Публицистиканинг услуби мунозаралилиги ва эмоционаллиги билан ажралиб туради<sup>3</sup>.

XX асрнинг охири XXI аср бошларига келиб ёзувчи публицистикаси ғоявий ҳамда услубий ранг-баранглик жиҳатидан янада такомиллашди. Бадиий публицистиканинг очерк, мақола, фельетон каби анъанавий жанрлар таркиби

<sup>3</sup> Литература и язык. Современная иллюстрированная энциклопедия. — М.: Росмэн. Под редакцией проф. Горкина А.П. 2006.

# **ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI:**

## **MUAMMOS VA YECHIMLAR**

### **mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami**

эссе, сұхбат-интервью, ён дафтар, ёзувчи қайдлари, бош мақола сингари жанр ва жанр күринишилари ҳисобига кенгайди. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлар ёзувчи публицистикаси жанрларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Миллий уйғониш даврида бошланган бадиий-публицистик инерция мустақиллик даврига келиб янги босқичга күтарилди. Ёзувчиларимиз учун кечаги кунни танқидий идрок этиш, унга янгича баҳо бериш, ҳаёт тақозо этган муаммоларни дадил ўртага қўйиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу давр публицистикасида маданий мерос, миллий урф-одат ва қадриятлар, маънавий-ахлоқий ҳамда экологик муаммоларга, замон қаҳрамонларига эътибор янада ортди.

XIX аср охири – XX бошларига келиб, дунё тамаддунида, геосиёсатида турли ўзгаришлар содир бўлди. Дунёга ҳукмронлик қилиш, гегемонлик ғоялари туфайли бир неча давлатлар урушлар гирдобида қолди. Баъзи мамлакатлар ривожланган давлатларнинг хом ашё базасига айлантирилди. Бу ҳолат муайян даражада ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда таназзулларни вужудга келишига сабаб бўлди. Бундай оғир шароитда миллий ўзликни сақлаб қолиш, маърифат ва тараққиётда орқада қолиб кетмаслик учун янгиланиш зарурати кун тартига күтарилди. Янги усулдаги мактаблар, театр, миллий матбуотнинг майдонга келиши тарихий шароит натижаси ҳамdir.

Чунки бу даврда таълим ва ўқитиш тизимидағи турғунлик, мактаблар ислоҳотининг кечикириб бўлмас вазифа эканлиги аччиқ ҳақиқат эди.

Демак, бадиий адабиётнинг мазмуни ҳам ижтимоий ҳаёт ҳақиқати билан чамбарча боғлиқ десак, хато бўлмайди. Бу жараённи ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти динамикаси нуқтаи назаридан ҳам кузатиш имконияти мавжуд.

Аслида ҳар қандай тараққиётнинг замирида илм-фан, таълимга бўлган эҳтиёж ёки шарт-шароитлар омили туради. Миллий журналистикамиз ва ўзбек публицистикасининг ҳам тамал тоши ҳаётдаги турғунликка чек қўйиш, жаҳолатни маърифат билан енгиш, оммавий юксалишга чора қидириш фонида майдонга келди. Яъни темурийлар империяси парчаланиши, ички бўлинишлар, манфаатлар тўқнашуви натижасида Туркистон ўлкасида таназзул содир бўла бошлади.

Бунинг энг салбий оқибати мустамлакачилик сиёсати сифатида намоён бўлди. Вазиятни тўғри баҳолаш, фойдаланилмаган имкониятларни кўриб чиқиш ва олий мақсад – ҳурликка эришиш мақсадида жадидчилик ҳаракати майдонга чиқди. Жадидлар фаолиятининг энг аввалида кун тартибига таълим соҳасидаги

# **ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMOS VA YECHIMLAR**

## **mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami**

ислоҳатларни амалга ошириш масаласи қўйилди. Таълимнинг пасайиши, нафақат сифат кўрсаткичлари балки, инсониятни ҳалокатга учрашининг бош сабаби эканлиги қайта-қайта қаламга олинди. Зеро, муайян миллатнинг бугуни, келажаги ҳозирги авлоднинг қандай, қай мақсадда таҳсил олаётгани билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун жадидларнинг ёндашуви мутлақо тўғри ва асосли эди.

Туркисон ўлкасида жуда тезлик билан усули жадид мактаблари ташкил этилди, янги дарсликлар яратилди, дунёвий билимлар оқими кириб келди. Дарсликлар мазмунини миллий қадриятлар асосида шакллантириш мақсадида кичик-кичик насрой, шеърий парчалар, ҳикматли матнлар ҳам тузилди, булар ёш авлодда ватанпарварлик билан бир қаторда миллий руҳни ўстиришга хизмат қилишни назарда тутган. Тарихий шароит ва жадидлар танлаган мақсад нафақат таълим, балки бадиий адабиёт мазмунини ҳам янгиланишига олиб келди. Бу даврдаги икки томонлама тазиикқа (*қадимчилар ва мустамлакачилар – изоҳ бизники Ш.Қосимов*) қарамай, янги адабиёт ва адабий жараён юзага келди. Бу ҳодисага минбар ўлароқ жадид матбуотига асос солинди.

Шу тариқа, замонавий бадиий адабиёт, янгича таълим, миллий публицистика бир вактда туғилди. Гарчи публицистика ва журналистика адабиётдан фарқли равишда қўпроқ тарғибот воситаси ҳисобланса-да, баъзи хусусиятлари кўра, адабиёт билан интеграцион характерга эга. Яъни унинг табиатида ҳам сўз билан ишлаш, матн яратиш вазифалари мавжуд. Публицистикани адабиётнинг узвий бўлаги деб белгилаш назарий ва услубий жиҳатдан асосга эга, десак хато бўлмайди. Яъни шоир ёки ёзувчи инсонни, ҳаёт тарзини бадиий бўёклар билан ифодаласа, публицист табиий ҳаётни қаламга олади. Бир хил материал икки хил ёндашув асосига кўра, бадиий ва публицистик асарга айланади.

Публицистика инсоният ижтимоий ҳаётини фаол акс эттириши, ўзида фалсафа, тарих, иқтисод, сиёsat, психология, санъатшунослик, эстетика ва адабиётшунослик унсурларини мужассамлаштириши билан универсаллик касб этади. Шунинг учун ҳам ушбу талқин шаклига ёзувчи, шоир ва олимлар, ҳатто ижодкор бўлмаганлар ҳам тез-тез мурожаат қиласидар. Тарихдан ҳукмдорларнинг, ҳарбий саркарда ва амалдорларнинг, савдогар ва санъаткорларнинг, табиблар ва ҳуқуқшуносларнинг, олимлар ва адиларнинг публицистик жанрда асарлар ёзгани маълум.

Бадиий публицистика соф ижтимоий ёки журналистик публицистикадан том маънода фарқ қиласиди. Биринчи навбатда, “публицистика”нинг лотинча

# **ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMOS VA YECHIMLAR**

## **mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami**

ижтимоий деган маънони бериши<sup>4</sup>, публицистика дейилганда ижтимоий ҳаёт талқинининг назарда тутилиши бадиий публицистика табиатини тўла-тўкис камраб олмаслигини, ҳатто муайян маънода хиралаштиришини қайд этиш лозим. Чунки бадиий публицистика ҳеч қачон соф ижтимоий бўлиши мумкин эмас. Бадиий публицистика шу маънода соф публицистикадан умумийроқ ва кенгроқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бекасов Д.Г. Корреспонденция, статья – жанры публицистики. – М.: МГУ, 1972. – 76 с.
2. Белая Г.А. Художественный мир современной прозы. – М.: Наука, 1983. – 190 с.
3. Абдимуратов А. Публицистика Т.Каипбергенова: специфика, тематика, жанрово-стилистические особенности: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1997. – 21 с.
4. Досмуҳамедов Х.Н. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий методологик таҳлил (Мустақиллик даври ўзбек матбуоти фаолияти мисолида. 1991-2008 йиллар): Филол. фанлари доктори ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 40 б.
5. Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2003. – 27 б.
6. Лукьянова Л.В. “Бодался телёнок с дубом. Очерки литературной жизни” А.И.Солженицына как художественно-публицистический и феномен: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ростов н/Д., 2002. – 19 с.
7. Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шаклланиш тамойиллари (XIX аср охири – XX аср ўрталари ўзбек матбуоти материаллари асосида): Филол. фанлари доктори ... дис. – Тошкент, 2001. – 293 б.
8. Қўчқорова М.Х. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри: Филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2004. – 134 б.

---

<sup>4</sup>Литературный энциклопедический словарь / Под общ. ред. В.М.Кожевникова, П.А.Николаева. Редкол.: Л.Г.Андреев, Н.И.Балашов, А.Г.Бочаров и др. – М.: Сов. энциклопедия, 1987. – С. 313.